



**UzAssystem**

# **СУРХОНДАРЁ (1600 МВт)**

## **БҮГ-ГАЗ ҚУРИЛМАСИ ЛОЙИХАСИ**

### **Нотехник хулоса**

**ASE-UZA-571-REP-NTS-0003-02**

И.ч	Сана	Нашр этишдан мақсад	Тайёрлади	Текшириди	Тасдиқлади
0	25/07/2022	Дастлабки нашр	B.KADIOĞLU M.ACIRLI	H.BEKAR	A. PONSARDIN
1	16/09/2022	Дастлабки нашр	B.KADIOĞLU M.ACIRLI	H.BEKAR	A. PONSARDIN
2	02/05/2023	Қарз берувчилар ва мижознинг шарҳларига кўра қайта кўриб чиқилган	A.HELLAÇ	B.KADIOĞLU	A. PONSARDIN

# СУРХОНДАРЁ (1600 МВт)

## БУҒ-ГАЗ ҚУРИЛМАСИ ЛОЙИҲАСИ

### Нотехник хулоса

**ASE-UZA-571-REP-NTS-0003-02**

И.ч	Сана	Нашр этишдан мақсад	Тайёрлади	Текшириди	Тасдиқлади
0	25/07/2022	Дастлабки нашр	B.KADIOĞLU M.ACIRLI	H.BEKAR	A. PONSARDIN
1	16/09/2022	Дастлабки нашр	B.KADIOĞLU M.ACIRLI	H.BEKAR	A. PONSARDIN
2	02/05/2023	Қарз берувчилар ва мижознинг шарҳларига кўра қайта кўриб чиқилган	A.HELLAÇ	B.KADIOĞLU	A. PONSARDIN

# CONTENTSМУНДАРИЖА

.....	<b>1</b>
<b>ҚИСҚАРТМАЛАР ВА ТАЪРИФЛАР .....</b>	<b>4</b>
<b>1. МУҚАДДИМА .....</b>	<b>8</b>
1.1 КИРИШ.....	8
1.2 ЕРГА ЭГАЛИК ҚИЛИШ МАҚОМИ .....	8
1.3 ЭКОЛОГИК ВА ИЖТИМОЙ ТАДҚИҚОТЛАР .....	9
1.4 БАЗАВИЙ ТАДҚИҚОТЛАР.....	10
<b>2. ЛОЙИХА ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ .....</b>	<b>11</b>
2.1 ЛОЙИХАНИНГ ЖОЙЛАШУВИ .....	11
2.2 ЛОЙИХА ХУСУСИЯТЛАРИ .....	14
2.3 ИШЧИ КУЧИГА БҮЛГАН ТАЛАБЛАР .....	16
2.4 ТУРАР ЖОЙ ВА ЛОГИСТИКА .....	17
2.5 ЛОЙИХА ЖАДВАЛИ .....	17
2.6 ЛОЙИХА МУҚОБИЛЛАРИ .....	17
2.7 БОҒЛИҚ БҮЛГАН ОБЪЕКТЛАР .....	18
<b>3. ЭКОЛОГИК ВА ИЖТИМОЙ ТАЪСИРНИ БАҲОЛАШ ВА БОШҚАРИШ .....</b>	<b>20</b>
3.1 ҲАВО СИФАТИ .....	20
3.2 ИССИҚХОНА ГАЗЛАРИНИ ТАШЛАМАЛАРИ ВА ИҶЛИМ ЎЗГАРИШИ .....	23
3.3 ШОВҚИН ВА ТЕБРАНИШ .....	24
3.4 СУВ МАНБАЛАРИ ВА ОҚАВА СУВЛАР БОШҚАРУВИ .....	25
3.5 ТУПРОҚ, ГЕОЛОГИЯ ВА ЕР ОСТИ СУВЛАРИ .....	28
3.6 ЧИҚИНДИЛАРНИ БОШҚАРИШ .....	28
3.7 ЭКОЛОГИЯ .....	29
3.8 ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ СОҲА.....	31
3.9 ДАРОМАД МАНБАЛАРИНИ ТИКЛАШ.....	32
3.10 ЖАМИЯТ САЛОМАТЛИГИ ВА ХАВФСИЗЛИГИ.....	32
<b>4. ЭКОЛОГИК ВА ИЖТИМОЙ БОШҚАРУВ ТИЗИМИ .....</b>	<b>33</b>
<b>5. МАНФААТДОР ТОМОНЛАР БИЛАН ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК .....</b>	<b>33</b>
5.1 ЛОЙИХАНИНГ МАНФААТДОР ТОМОНЛАРИ .....	33

5.2 МАНФААТДОР ТОМОНЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ БҮЙИЧА БУГУНГИ КУНГАЧА БҮЛИБ ЎТГАН ТАДБИРЛАР .....	36
5.3 МАНФААТДОР ТОМОНЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ РЕЖАСИ .....	37
5.4 ШИКОЯТЛАРНИ КҮРИБ ЧИҚИШ МЕХАНИЗМИ .....	37
5.5 МАНФААТДОР ТОМОНЛАР УЧУН АЛОҚА МАЪЛУМОТЛАРИ.....	38



## Қисқартма ва таърифлар

<b>%</b>	<b>Фоиз</b>
°C	Цельсий даражаси
AAS	Атом-асборбцион спектрометрия
ACC	Ҳаво совутгичли конденсатор
AEL	Атмосферага ташламалар чиқариш чегараси
AIIB	Осиё инфратузилма инвестиция банки
AQMS	Ҳаво сифати мониторинги станцияси
BREFs	Европа Иттифоқининг мавжуд бўлган энг яхши технологиялари бўйича маълумотнома ҳужжатлари
BWO	Сув ҳавзаси бошқармаси
CAREC	Марказий Осиё минтақавий иқтисодий ҳамкорлиги
CCGT	Буғ-газ турбинаси
CCCP	Буғ-газ мосламаси
CE	Йўқолиб кетиш хавфи остида
CH <sub>4</sub>	Метан
CITES	Йўқолиб кетиш хавфи остида турган ёввойи фауна ва флора турларининг халқаро савдоси тўғрисидаги конвенция
CR	Танқидий
dB	Децибел
DCS	Тарқатувчи бошқарув тизими
dm	Дециметр
E	Шарқ
E&S	Экологик ва ижтимоий
EHS	Атроф-муҳитни қўриқлаш ва хавфсизлик
EIA	Атроф-муҳитга таъсирини баҳолаш
EBRD	Европа тикланиш ва тараққиёт банки
EP	Экватор тамойиллари
ESIA	Атроф-муҳит ва ижтимоий таъсирни баҳолаш
ESMS	Атроф-муҳит ва ижтимоий бошқарув тизими
ESP	Экологик ва ижтимоий сиёсат
ESS	Экологик ва ижтимоий стандартлар
EU	Европа Иттифоқи
EU BAT	Европа Иттифоқининг мавжуд энг илғор технологиялари
EW	Ёввойи табиатда йўқ бўлиб кетган



<b>EX</b>	<b>Йўқолган</b>
<b>F</b>	<b>Фтор</b>
<b>FGD</b>	<b>Фокус-гурӯҳ мұхокамалари</b>
<b>g</b>	<b>Грамм</b>
<b>GBV</b>	<b>Гендер зўравонлик</b>
<b>GDP</b>	<b>Ялпи ички маҳсулот</b>
<b>GIIP</b>	<b>Мос келувчи халқаро саноат амалиёти</b>
<b>GN</b>	<b>Услубий Йўриқнома</b>
<b>GOST</b>	<b>Давлат Стандарти</b>
<b>GOU</b>	<b>Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати</b>
<b>GSE</b>	<b>Умумий ўрта таълим</b>
<b>GT</b>	<b>Газ турбинаси</b>
<b>HAZMAT</b>	<b>Хавфли модда</b>
<b>Hg</b>	<b>Симоб</b>
<b>HRSG</b>	<b>Утилизатор-қозон</b>
<b>Hz</b>	<b>Герц</b>
<b>IBA</b>	<b>Халқаро орнитологик ҳудуд</b>
<b>ICWC</b>	<b>Марказий Осиё давлатлараро сув хўжалигини мувофиқлаштирувчи комиссия</b>
<b>IEC</b>	<b>Халқаро электротехника жамияти</b>
<b>IFC-PS's</b>	<b>Халқаро молия корпорацияси лойиҳа стандартлари</b>
<b>IFI</b>	<b>Халқаро молия институтлари</b>
<b>ILO</b>	<b>Халқаро меҳнат ташкилоти</b>
<b>IPCC</b>	<b>Иқлим ўзгариши бўйича ҳукуматлараро комиссия</b>
<b>ISO</b>	<b>Халқаро стандартлаштириш ташкилоти</b> Бу Бутунжаҳон миллий стандартлар органлари федерацияси (ISO аъзо органлар). Халқаро стандартларни тайёрлаш бўйича ишлар одатда ISO техник қўмиталари орқали амалга оширилади
<b>IT</b>	<b>Ахборот технологиялари</b>
<b>IUCN</b>	<b>Табиатни муҳофаза қилиш халқаро иттифоқи</b>
<b>KBA</b>	<b>Асосий биохилма-хиллик ҳудуди</b>
<b>kg</b>	<b>Килограмм</b>
<b>Khokim</b>	<b>Туман, шаҳар ва вилоят раҳбарлари, Марказий ҳукумат (вилоят ҳокими) томонидан тайинланади</b>
<b>LA<sub>eq</sub></b>	<b>Эквивалент узлуксиз товуш даражаси</b>
<b>LA<sub>max</sub></b>	<b>Максимал эквивалент узлуксиз товуш даражаси</b>
<b>LC</b>	<b>Энг кам ташвиш туғдирувчи</b>
<b>LCP</b>	<b>Ёқилғини ёқиш асосида ишловчи йирик заводлар</b>



<b>LRP</b>	<b>Ҳаётни тиклаш режаси</b>
<b>MW</b>	<b>Мегаватт ватт - бу халқаро бирликлар тизимидағи құвват бирлиги (1 МВт = 106 ватт)</b>
<b>NEGU</b>	<b>Ўзбекистон миллий электр тармоғи</b>
<b>N<sub>2</sub>O</b>	<b>Азот оксиди</b>
<b>NO<sub>3</sub>-N</b>	<b>Азот нитрати</b>
<b>NTS</b>	<b>Нотехник резюме</b>
<b>NW</b>	<b>Шимоли ғарбий</b>
<b>O'z DSt</b>	<b>Ўзбекистон Давлат стандарты</b>
<b>O'z O'U</b>	<b>Ўзбекистон Ўлчов Услуби</b>
<b>O<sub>2</sub></b>	<b>Кислород</b>
<b>OHL</b>	<b>Электр узатиш линияси</b>
<b>OHSAS</b>	<b>Меҳнатни муҳофаза қилиш ва техник хавфсизликни баҳолаш серияси</b>
<b>OHS</b>	<b>Меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги</b>
<b>OM</b>	<b>Ўзбекистон Олий Мажлиси</b>
<b>OVOS</b>	<b>АМТБ учун миллий қисқартма</b>
<b>P</b>	<b>Фосфор</b>
<b>PZVOS</b>	<b>Атроф-муҳитга таъсир түшүнчеси концепцияси хақидаги Низомнинг миллий қисқартмаси</b>
<b>RUz</b>	<b>Ўзбекистон Республикаси</b>
<b>SanPin</b>	<b>Россия Федерациясининг санитария мөъёри ва қоидалари</b>
<b>SC</b>	<b>Давлат қўмитаси</b>
<b>SCEEP</b>	<b>Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси</b>
<b>SCNP</b>	<b>Ўзбекистонда табиатни муҳофаза қилиш бўйича масъул бош давлат ташкилоти</b>
<b>SEC</b>	<b>Экологик оқибатлар тўғрисидаги баёнот</b>
<b>SEE</b>	<b>Давлат экологик экспертизаси</b>
<b>SEP</b>	<b>Манфаатдор томонларни жалб қилиш режаси</b>
<b>SIA</b>	<b>Ижтимоий таъсирни баҳолаш</b>
<b>SO<sub>2</sub></b>	<b>Олтингугурт диоксиди</b>
<b>SPT</b>	<b>Стандарт кириш синови учун стандарт тест усули</b>
<b>ST</b>	<b>Буғ турбинаси</b>
<b>UNDP</b>	<b>Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт Дастури</b>
<b>UNECE</b>	<b>Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Европа иқтисодий комиссияси</b>
<b>UNFCCC</b>	<b>Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Иқлим ўзгариши бўйича асосий конвенцияси</b>
<b>UNGP</b>	<b>Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бизнес ва Инсон ҳуқуқлари бўйича бошқарув тамоиллари</b>



<b>UzRDB</b>	<b>Ўзбекистон Республикаси Қизил китоби</b>
<b>Viloyat</b>	<b>Вилоят</b>
<b>VOC</b>	<b>Учувчи органик бирикмалар</b>
<b>VR</b>	<b>Заиф</b>
<b>VU</b>	<b>Заиф</b>
<b>W</b>	<b>Ғарбий</b>
<b>WBG</b>	<b>Жаҳон банки гурӯҳи</b>
<b>ZEP</b>	<b>Экологик оқибатлар тӯғрисидаги баёнотнинг миллий қисқартмаси</b>
<b>ZVOS</b>	<b>Атроф-муҳитга таъсир тӯғрисидаги баёнотнинг миллий қисқартмаси</b>



## 1. Мұқаддима

### 1.1 Кириш

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати мамлакатда иқтисодий үсишни рағбатлантириш мақсадыда электр энергияси ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва күпайтиришни ўз олдига мақсад қылган. Бундан ташқари, Ўзбекистон қўшни давлатлар билан энергия савдосида фаол иштирок этиб, Марказий Осиё минтақавий иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг (МОМИХ-ЦАРЕС) фаол иштирокчиси ҳисобланади. 2008 йилда ЦАРЕС давлатлари минтақанинг энергетика соҳасини ривожлантириш бўйича узоқ муддатли стратегиясини “минтақа энергетика инфратузилмасини мувозанатли ривожлантириш ва энергия савдоси орқали иқтисодий үсиш билан энергия хавфсизлигини таъминлаш” сифатида белгилаб олдилар. Ўзбекистон минтақага экспорт қилинадиган газ ҳажмини күпайтиришни ўз олдига ният қылган, шунинг учун ички газ истеъмолининг ҳар қандай қисқариши экспорт учун кўпроқ газ ҳажм зарурлигидан дарак беради.

Миллий энергетика стратегиясига мувофиқ, Энергетика вазирлиги Stone City Energy компанияси билан 25 йилга 1600 МВт қувватга эга электр станциясини лойихалаш, молиялаштириш, қуриш, ишга тушириш, фойдаланиш ва бошқариш бўйича шартномани имзолади.

ЁАЖ Stone City Energy (кейинги ўринларда «Лойиха компанияси» деб юритилади) электр энергияси ишлаб чиқариш ва тақсимлаш соҳасида фаолият юритувчи маҳсус йўналишга эга компания ҳисобланади. Компания 2019 йилнинг май ойида Нидерландияда тузилган, бош қароргоҳи Роттердам шаҳрида жойлашган бўлиб, Ўзбекистонда газ турбинали Иssiқлик электро станциясини молиялаштириш, лойихалаш, қуриш ва улардан фойдаланиш билан шуғулланувчи консорциум учун асос бўлиб хизмат қилиш мақсадида ташкил этилган. Ишга тушириш 2026 йилнинг охирига мўлжалланган. Лойиха доирасида энг янги илфор технологиялар, жумладан, HL тоифасидаги (Siemens Energy томонидан ишлаб чиқарилган) буғ-газ қурилмалари жорий қилинади.

Сурхандарёда бунёд этиладиган БГЭС (Буғ-газ қурилмаси) энг янги технология ва инновациялардан фойдаланган ҳолда 63% ФИК билан ишлайди. Бундан ташқари, йиллик сарфланадиган 2,2 миллиард куб метр табиий газ истеъмолидан 1,1 миллиард куб метр ҳажмдаги табиий газни тежаш имконини беради. Сурхондарё БГҚ мустақил лойиха бўлиб, алоҳида тармоқча хизмат қилмайди, лекин Ўзбекистон энергетика тармоғи самарадорлигини оширади, энергетика тармоғи барқарорлиги ва ишончли электр таъминотини амалга оширади.

### 1.2 Ерга әгалик қилиш мақоми

Ўзбекистон Республикасининг 1998 йилдаги Ер кодексига асосан Ўзбекистонда барча ерлар давлат мулки ҳисобланади ва ердан фойдаланиш учун рухсатномалар давлат томонидан туман ва вилоятлар ҳокимларни орқали берилади ва назорат қилинади. Сурхондарё вилояти ҳокимлигининг 2021 йил 30 августдаги расмий мактубида Лойиха майдони 1600 МВт қувватга эга БГҚ қурилиши учун ажратилган. Қарор вилоят ҳокимлигининг расмий сайтида ([surkhandaryo.uz](http://surkhandaryo.uz))да эълон қилинган.



## 1.3 Экологик ва ижтимоий тадқиқотлар

Сурхондарёдаги қуввати 1600 МВтга teng бўлган БГҚ лойиҳаси "Экологик экспертиза тўғрисида"ги Қонун ва Вазирлар Маҳкамасининг 07.09.2020 йилдаги "Атроф-муҳитга таъсир механизмини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги 541-сон қарорига мувофиқ атроф-муҳитга таъсири юқори хавфга эга бўлган I тоифали объект ҳисобланади. Ушбу объект учун Атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш ҳисоботининг биринчи босқичи (миллий қисқартма – АМИТБ-ПЗВОС) ишлаб чиқилди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат экологик экспертизасининг 2021 йил 29 сентябрдаги 04-01/10-08-1655-сонли ижобий хулоаси олинди. Миллий АМИТБ жараёнининг III босқичи, "Экологик оқибатлар тўғрисидаги баёнот" («ЭОБ» - «ЗЭП» миллий қисқартма) миллий АМИТБ жараёнининг якуний босқичини ифодалайди ва у лойиҳа ишга туширилгунга қадар амалга оширилади.

2021 йил июн ойида Лойиҳа компанияси UzAssystemга Осиё инфратузилма инвестиция банки (ОИИБ) ҳамда Халқаро молия корпорацияси (ХМК)нинг экологик ва ижтимоий сиёсати стандартларига мувофиқ атроф-муҳит ва ижтимоий соҳага таъсир этишни баҳолаш мезони (ОВОС) борасида лойиҳа учун ҳисбот тайёрлаб бериш вазифасини юклатди.

Халқаро стандартларга мувофиқ лойиҳа "А тоифаси"га тааллуқли бўлиб, АМИТБ тадқиқоти қўйидаги натижаларни ўз ичига олади:

- Умумий ҳисбот
- АМИТБ маълумотини ошкор қилиш пакети, шу жумладан:
  - о АМИТБ ҳисботи, жумладан Атроф-муҳит ва ижтимоий бошқарув режаси
  - о Нотехник хулоса (НХ)
  - о Манфаатдор томонларни жалб қилиш режаси (МТЖР)

АМИТБ ҳужжатларини ошкор қилиш пакети Лойиҳа компанияси ва кредит ташкилоти томонидан 60 кун давомида ошкор қилинди. Нотехник резюме ҳамда МТЖР халқаро стандартларнинг тегишли талабларига мувофиқ ўзбек ва рус тилига таржима қилинади.

АМИТБ ҳисботи «UzAssystem» томонидан Иш кўламини аниқлаб олиш ҳақидаги ҳисбот натижалари (2021 йил июль ойида якунланган), лойиҳа компанияси томонидан тақдим этилган техник лойиҳа ҳужжатлари, оммавий очик маълумотлар, манфаатдор томонлар билан маслаҳатлашувлар натижалари, 2021-2022 йилларда ўтказилган базавий тадқиқотлар натижалари асосида тайёрланган, ҳамда АМИТБ жараёни доирасида халқаро миёсда қабул қилинган методологияларга мувофиқ Лойиҳасининг мумкин бўлган таъсири ва/ёки хавфларни баҳолаш кабиларни ўз ичига олади. АМИТБ ҳисботи ошкор қилиш даврида олинган фикр-мулоҳазалар ва 2022 йил октябр ойида ўтказиладиган кейинги тадқиқотлар асосида янгиланади.



АМИТБ тадқиқоти доирасида Манфаатдор томонларни жалб қилиш режаси ишлаб чиқилмоқда.

Лойиха компанияси АМИТБ ҳисоботида мүмкін бўлган таъсирларни юмшатиш бўйича тавсифланган чора-тадбирларни амалга ошириш жавобгарликни ўз зиммасига олади. Бундан ташқари Лойиха компанияси тегишли тарзда миллий қонунчиликка, ХМК ва ОИИБ экологик ва ижтиомий сиёсатига риоя қилиш ва Лойиха компаниясига хизмат кўрсатадиган барча пудратчилар лойиҳанинг бутун жараёни давомида ушбу талабларга тегишли равишда риоя қилишларини таъминлаш учун жавобгардир.

## 1.4 Дастлабки тадқиқотлар

АМИТБ тегишли маълумотларини таҳлил қилиш йўли орқали, ҳамда бир қатор жисмоний обьектларни ўрганиш натижасида ушбу ҳисоботдаги керакли бўлимларда атроф-муҳит ва ижтиомий таъсирларни баҳолаш мезонларини ўз ичига жамлаган ҳолда тайёрланган. АМИТБ доирасида келтирилган атроф-муҳит ва ижтиомий таъсирнинг дастлабки тадқиқотлари 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал: Атроф-муҳит ва ижтиомий базавий тадқиқотлар

Сайт тадқиқотлари	Даври
<b>Ер усти экологияси тадқиқотлари</b>	2021 йил 17 июль
<b>Суғориш сув омбори (кўл)</b>	2021 йил 15 июль
<b>Тупроқни текшириш</b>	2021 йил 15 июль
<b>Ер ости ва ер усти сувларидан намуна олиш</b>	2021 йил 9-16 июль
<b>Чўкинди ва кўллардан намуна олиш</b>	2021 йил 13 июль
<b>Зоопланктон ва фитопланктондан намуна олиш</b>	2021 йил 13 июль
<b>Ижтиомий-иқтисодий маълумотларни йиғиш</b>	2021 йил 28 июль
<b>Манфаатли томонлар билан маслаҳатлар</b>	Мазкур жараён манфаатдор томонлар билан 2021 йил июл ойида расмий хатлар, қўнгироқлар ва жамоатчилик билан маслаҳатлашувлар орқали якунланди.
<b>Ҳаётни тиклаш борасида ўтказилган сўровномалар</b>	2021 йил 15 октябр
<b>Ер усти флора ва фаунасини тадқиқот қилиш</b>	2022 йил апрел
<b>Ҳаво сифати тадқиқот мониторинги</b>	2022 йил 20 июль - 20 август
<b>Шовқин мониторинги</b>	2022 йил 20 – 23 август
<b>Ижтиомий-иқтисодий маълумотларни йиғиш</b>	2022 йил июл – август

**Ер усти флора ва фаунаси тадқиқоти**

2022 йил сентябр

**Сув экотизими тадқиқоти**

2022 йил сентябр

Якуний АМИТБ ҳисоботи 2023 йил май ойида тақдим этилди, унда юқорида тавсифланган тадқиқотлар натижалари 1 жадвалда тақдим этилган.

## 2. Лойиҳа ҳақида маълумот

### 2.1 Лойиҳанинг жойлашуви

Лойиҳа участкаси Ўзбекистон Республикаси Сурхондарё вилоятининг Ангор туманида, суғориш учун ишлатиладиган оқимдан ташқари сув омбори тури бўлган Учқизил сув омборининг шимоли-шарқий соҳилида жойлашган. Тупроқли тўғон туридаги Учқизил сув омбори 1957 йилдан бери ишлаб турибди.

Лойиҳа ҳудудининг туман маркази Учқизил қишлоғигача бўлган масофаси тахминан 2,0 км ва Термиз шаҳар марказига 14 км бўлган масофани ташкил этади.



1-расм: Лойиҳа жойлашуви (худудий кесимда)

Майдон денгиз сатҳидан ўртача 337 м баландлиқда, Учқизил сув омбори қўриқхонаси эса денгиз сатҳидан 318 м баландлиқда жойлашган.

Лойиҳа ҳудудини текис ер деб ҳисоблаш мумкин ва лойиҳа ҳудудида қишлоқ хўжалиги ва/ёки иқтисодий фаолият олиб борилмаган. Лойиҳа ҳудуди асосан Марказий Осиёнинг жанубий қисмидаги қумли ва шўрланган чўлларнинг ўсимлик дунёсининг типик вакилларидан иборат. Лойиҳа майдонини кўрсатадиган фотосуратлар қўйида келтирилган.



2-расм: Лойиха ҳудуди – Умумий күриниши (июль, 2022 йил)

Энг яқин турар-жой бинолари жанубда (Учқизил қышлоғи, ~1,4 км) ва ғарбда (Каттақум қышлоғи, ~1,0 км) жойлашған (3-расмға қаранг).



3-расм: Лойиханинг жойлашуви



## 2.2 Лойиҳа хусусиятлари

Таклиф этилаётган лойиҳа буғ-газли электр станция (БГЭС) лойиҳасидир. БГМ иккита комбинацион газ турбинаси ва буғ турбинасидан (битта блокдан) иборат. Лойиҳанинг асосий энергетик қуввати 1600 МВтни ташкил қиласди. Заводда ишлатиладиган ёқилғи табиий газ бўлиб, у ҳукумат томонидан қуриб, тортиладиган газ қувури орқали таъминланади. Заводнинг юқори кучланишили электр тизими 500 кВ электр тармоғига уланиши, Лойиҳа ҳудудида қурилладиган ҳаво изоляцион тақсимлаш қурилмаси билан таъминланади. Заводда иккита трансформатор (600 МВА) бўлиб, иккита ёрдамчи трансформатор (27/44 МВА), турли хил ёрдамчи трансформаторлар бўлади.

Электр станциясининг асосий хусусиятлари 2-жадвалда ва соддалаштирилган лойиҳа схемаси 4-расмда келтирилган.

2-жадвал: *Лойиҳалаштирилган буғ-газли электр станциясининг асосий характеристикалари*

Хусусияти	Тавсиф
<b>Технология тури</b>	Газ-буғ қурилмаси
<b>Қурилиш учун ажратилган ернинг умумий майдони</b>	73,4 га
<b>Газ-буғ қурилмаларининг сони</b>	2
<b>Электр энергияси ишлаб чиқариш</b>	1600 МВт
<b>Хар бир газ турбина блокининг қуввати</b>	Газ турбинаси – 551 МВт Газ турбинаси – 551 МВт Буғ турбинаси - 538 МВт
<b>Конфигурация</b>	2 та газ турбинаси + 2 та қозон-утилизатор 1 та Буғ турбинаси
<b>БГТ тури</b>	Siemens
<b>БГТ ФИК</b>	60 %
<b>Бир йиллик иш вақти</b>	8000 соат
<b>Ёқилғи тури</b>	Табиий газ
<b>Бир соатлик табиий газ сарфи</b>	283000 м <sup>3</sup> /с



Хусусияти	Тавсиф
<b>Йиллик табиий газ сарфи</b>	283000 м <sup>3</sup> /с x 8000 с йиллик = 2264000000 м <sup>3</sup> /йил
<b>Конденсаторни совутиш түри</b>	Сув орқали совутиш
<b>Совутиш минораси түри</b>	Қуруқ совутиш тизими
<b>Сув манбаи – совутиш суви</b>	Дастлабки хом сув манбаи Учқизил сув омборидан олинади
<b>Дастлабки сув</b> <b>Хом сув манбаи</b>	Учқизил сув омбори Учқизил сув омбори
<b>Технологик сув - қозонхоналар учун</b>	Технологик деминерализация қилингандык сув шахсий тузлантириш курилма орқали деминерализация қилингандык сув тизимига уланиш йўли билан етказиб берилади.
<b>Мўри баландлиги</b>	65 м
<b>Мўри диаметри</b>	8,24 м
<b>Қўшимча қурилмалар</b>	Ичимлик сув ва буғ тизими Ёқилғи газ тизими Газ компрессор станцияси билан бирга Қуруқ совутиш тизими Ёпиқ конденсатор тизими Оқава сувларни тозалаш тизими Оқава сувлари тизими Намуна олиш тизими Дозалаш тизими Ёнғин ўчириш тизими Кўтариш тизими Электро-курилма тизими Захира дизель генератори Асбоб-ускуналар тизими Қурилиш ишлар тизими
<b>Трансформаторларнинг сони ва түри</b>	600 МВА қувватли 2 та трансформатор 27/44 МВА қувватли 2 та ёрдамчи трансформатор Турли ёрдамчи трансформаторлар

Таклиф этилаётган БГЭС блокининг умумий электр самарадорлиги ~ 60% ни ташкил қиласди. Таклиф этилаётган БГҚ блоки табиий газда ишлайдиган янги турдаги электр станцияси турига киради. Комбинацияланган электр станциялари максимал (иссиқ




чиқинди газлардан бирламчи ва иккиламчи) электр энергиясини олиш учун мұлжалланған.

Заводнинг қуйидаги элементлари ҳам Лойиҳанинг бир қисми бўлади:

- Ҳудудга кириш ва бино хавфсизлиги;
- Маъмурият биноси,офислар ва қулайликлар;
- Марказий Назорат хонаси;
- Исишиб, шамоллатиш ва ҳавони тозалаш тизими;
- Электр Тизимлари;
- Лаборатория;
- Семинарлар;
- Омбор ва дўконлар;
- Фавқулодда дизель генератор;
- Ёнғинни ўчириш тизими;
- Бошқа мобил қурилмалар ва транспорт воситалари.

Иш жараёни вақтида маҳсус ёнғинни ўчириш гурӯхи навбатчилик килади. Лойиҳа схемасининг соддалаштирилган тури 4-расмда келтирилган.



4-расм Лойиҳа режасининг соддалаштирилган версияси

## 2.3 Ишчи кучига бўлган талаблар

Қурилишнинг қизғин даврида қурилиш ишчилари сони 2050 одам атрофида бўлиши кутилмоқда. Ишчи кучининг тахминан 30 фоизи малакасиз ходимлардан иборат бўлиши



мумкин, ишчиларнинг қолган қисми техник малакага эга бўлиши керак. Чет эллик ишчилар сонининг нисбати иш билан таъминланадиган маҳаллий аҳоли сонига яқин бўлиши кутилмоқда. Қурилиш босқичида лойиҳа пудратчиси тахминан 130 кишидан иборат бўлиши ва лойиҳа компаниясининг 10-15 доимий ходими бўлиши кутилмоқда.

Таклиф этилаётган лойиҳани ишга тушириш босқичида ишчи кучининг сони 300 нафарга яқин бўлиши кутилмоқда.

Шуни таъкидлаш керак-ки, ишчи кучининг кўрсатилган сони қурилиш ва фойдаланиш даврида Лойиҳа эҳтиёжларига қараб ўзгариши мумкин.

## 2.4 Тураг жой ва логистика

Қурилиш худудида ҳеч қандай тураг жой бўлмаслиги режалаштирилган. Шунга ўхшаш лойиҳаларнинг олдинги тажрибаларга асосланиб, ЕРС пудратчиси тураг жойдан ташқарида тураг жой ташкил қилиши ва Учқизил худудида жойлашган мавжуд уй-жой мажмуаларидан фойдаланиши кутилмоқда. ЕРС пудратчиси ҳали танлаб олинмаганлиги сабабли, бундай тураг жойнинг жойлашуви аниқланмаган. Шу билан бирга, Лойиҳа компанияси IFC/ЕТТБ ишчиларни жойлаштириш бўйича йўриқномага мувофиқ ишчиларни жойлаштириш учун жиҳозлар стандартларга мувофиқ белгиланиши таъминланади.

ЕРС пудратчиси ишчиларни қурилиш майдончасига етказиши таъминлайди ва ҳаракатланувчи йўлларни ўрганиб чишиб, бошқа транспорт турлари орқали ишчиларни келишини таъминлайди. Лойиҳа майдонига кириш учун М-39 магистрални етарли бўлгани учун, қурилиш давомида қўшимча кириш йўли қурилиши кўзда тутилмаган.

## 2.5 Лойиҳа жадвали

Лойиҳанинг қурилиш ишлари 2023 йил 2-чорагининг охирида бошланиши ва электр станциясини ишга тушириш ва синовдан ўтказиш 2025 йилнинг февраль ойида бўлиши кутилмоқда. Лойиҳанинг асосий босқичлари қуйида келтирилган.

З-жадвал Асосий босқичлар

Босқичлар	Сана
Дастлабки иш бошланиши ҳақида хабар бериш	Июнь 2023
Лойиҳа майдонини тайёрлаш ва мобилизациялаш	Июль 2023
ГТ 1 ни ўрнатиш ва ишга тушириш	Февраль 2025
ГТ 2 ни ўрнатиш ва ишга тушириш	Сентябрь 2025
Лойиҳани тижорий ишга туширилиши режалаштирилган санаси	Декабрь 2026

## 2.6 Лойиҳа мұқобиллари

Лойиҳа Энергетика вазирлигининг мамлакатда электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва модернизация қилиш режасининг бир қисмини ташкил этади.



Шунингдек, Лойиҳа Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг (2017-2021 йилларда) иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш учун янги технологияларни жорий этишнинг бир қисмини ташкил этади, чунки Лойиҳа электр энергиясини ишлаб чиқариш мақсадида иссиқликни қайта тиклаш муқобили сифатида амалга оширилмоқда.

2018 йилда Ўзбекистон Париж келишувини ратификация қилди ва 2030 йилга бориб ПГ ЯИМ бирлигига тўғридан-тўғри эмиссияларни 2010 йилга нисбатан 10 фоизга қисқартириш бўйича миллий мажбуриятни қабул қилди. Бундан ташқари, 2020 йилда Энергетика вазирлиги Ўзбекистонда электр қувватларини ривожлантириш бўйича Ўзбекистоннинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган “2020-2030 йилларда Ўзбекистонни электр энергияси билан таъминлаш концепцияси” ҳужжатида ўз режаларини эълон қилди. Ҳужжатда Ўзбекистоннинг мавжуд электр станцияларини реконструкция қилиш режалари, хусусий энергетикани ишлаб чиқарувчиларни электр энергияси ишлаб чиқариш қувватларини ошириш учун энергетика соҳасини ривожлантиришда иштирок этишга таклиф қилиш, ислоҳотлар режалари ва бошқалар ҳақида батафсил сўз беради. Концепцияда “Қурилиш 2025-2026 йилларда Қашқадарё ёки **Сурҳондарё** вилоятларида БГҚ технологиясидан фойдаланган ҳолда 1300 МВт қувватга эга ИЕСни ишга тушириш режалаштирилган.

Ўзбекистоннинг электр энергетикаси миллий стратегиясини инобатга олган ҳолда, “Ҳеч нарса қилмаслик сценарийси” бўйича Энергетика вазирлиги мақсадларига мос келмагани учун қўлланилмайдиган муқобил деб ҳисобланади. Бундан ташқари, лойиҳа самарасиз ишлайдиган иссиқлик электр станцияларини тутагишига олиб келади ва табиий газ ресурсларидан самарали фойдаланишига ёрдам беради, бу эса CO<sub>2</sub>/кВт соат интенсивлигининг пасайишига олиб келади. Лойиҳа компанияси Европа Иттифоқининг 2017 йилги йирик ёқилғи ёкиш станциялари учун тайёрланган энг яхши мавжуд технологиялар бўйича маълумот ҳужжатида қайд қилинган талабларга жавоб беради. Лойиҳа атроф-муҳитга ўз таъсирни камайтириш учун ҳозирда мавжуд бўлган энг илғор технологиялардан фойдаланади.

## 2.7 Боғлиқ бўлган объектлар

АМТБ тадқиқоти АИИБ Экологик ва ижтимоий сиёсатига мувофиқ боғлиқ объектларнинг кўламини баҳолади. Баҳолашда ҳисобга олинган учта объект мавжуд.

- лойиҳадаги электр қуввати ўтказиладиган ҳаво ёрдамида изоляция қилинган нимстанция
- нимстанция ва мавжуд тармоқ объектлари ўртасида туташувчи 9 км ҳаво узатиш электр линиялари (ХУЭЛ).
- Лойиҳага газ етказиб берадиган газ қувурлари ва газни тақсимлаш станцияси.

Нимстанция лойиҳа ҳудудида қурилади, шунинг учун подстанция билан боғлиқ таъсирлар ва юмшатиш чоралари АМТБ тадқиқотига киритилган. Бироқ, лойиҳа компанияси ҳаво узатиш линияси ва табиий газ қувурларини назорат қилмайди ёки уларга таъсир қилмайди. Шунинг учун бу икки объект АМТБ доирасида кўриб чиқилмайди. Лекин, электр узатиш линиялари ва табиий газ қувурларининг эҳтимолий таъсири ва хатарлари



тўғрисида қисқача тушунтириш АМТБ тадқиқотида умумлаштирилган. Ушбу обьектларни қуриш ва улардан фойдаланиш жараёнида миллий өкологик қонунчилликка мувофиқ талабларга риоя қилиш керак ва таъсирни баҳолаш бўйича тегишли тадқиқотлар ўтказилади.



## 3. Экологик ва ижтимоий таъсирни баҳолаш ва бошқариш

### 3.1 Ҳаво сифати

Қурилиш босқичида маҳаллий атмосфера ҳавоси сифатига чангнинг кўпайиши, айниқса майдонни тайёрлаш босқичида (майдончани тозалаш ва тупроқ ишлари ва х.к.) ҳамда қурилиш машиналари, асбоб-ускуналар ва вақтинчалик электр генераторларининг чиқинди газлари таъсир қилиши мумкин. Ушбу фаолият натижасида ҳосил бўладиган одатий ҳаво чиқиндиларига азот оксиди ( $\text{NO}_x$ ), олтингугурт диоксиди ( $\text{CO}_2$ ), углерод оксиди ( $\text{CO}$ ), карбонат ангидрид ( $\text{CO}_2$ ), учувчи органик бирикмалар (УОБ), заррачалар ва бензол, толуол, этилбензол ва ксилен киради. (БТЭКС)

Қурилиш босқичида ҳаво чиқиндиларининг чиқиш манбаларига қўйидагилар киради:

- Қазиш ва тупроқ ишлари (чанг),
- Тупроқ (чанг) ва шиббаланган йўлларда транспорт воситаларни ҳаракатланиши;
- Очиқ юк машиналаридан каттиқ заррачаларнинг тарқалиши;
- Автомобиль ва қурилиш ускуналари чиқиндилари (масалан,  $\text{NO}_x$ ,  $\text{SO}_x$  ва  $\text{CO}$ ,  $\text{CO}_2$ , УОБ заррачалари ва БТЭК) ва транспорт воситалари, генераторлар ва бошқа механик жиҳозлардан чиқадиган қаттиқ заррачалар;
- Сақланаётган УОБ (учувчи органик бирикмалар) ва бошқа учувчи хавфли материаллар;
- Оқава сувни тозалайдиган вақтинчалик иншоотлардан ёки тўсиқлардан тарқалувчи хид.

Қазиш ва тупроқ ишлари одатда катта диаметрли зарраларни ўз ичига олган чангни келтириб чиқаради, ва тезлик билан иш манбаси яқинида жойлашади. Асфальтланмаган юзаларда автомобиль ҳаракати билан бир қаторда, юк машиналари ҳаракати натижасида чанг ҳосил бўлиши ва юқдан заррачаларининг тарқалиши, обьектда юмшатиш чоралари самарали амалга оширилмаганда ёки обьектга пудратчилар томонидан материаллар олиб келганда содир этилади.

Ногерметик ёки усти қопламасиз колган юк машиналарнинг ашёлари самарасиз жойлашуви натижасида йўқолиши ёки шамол ва бошқа ҳаво турбуленцияси таркиби бузиши ва материалларнинг тарқалишига олиб келиши мумкин. Бу каби саъй-ҳаракатлар бевосита қурилиш майдони яқинида маҳаллий ҳаво сифатини ёмонлаштиришга олиб келиши мумкин.

Қурилиш босқичида газ чиқиндиларининг ягона манбаси қурилиш транспорт воситалари ва ёқилғи сарфлайдиган қурилиш техникаси бўлади.

Чанги материал заҳиралари (масалан, майда кукунлар ва қумлар) чанг ҳосил қилувчи фаолият участка чегараларидан узоқда жойлашган бўлиб ва сақлаш ёки фойдаланиш





пайтида чангнинг тарқалишини олдини олиш учун сақланиш керак. Юк машиналари ва транспорт воситаларидан чиқадиган чиқинди газлар ва заррачалар яхши ҳолатда бўлган транспорт воситаларидан фойдаланишга таъминлаш орқали минималлаштирилади (масалан, транспорт воситаларидан чиқаётган чиқиндиларнинг белгиланган талабларига мувофиқ).

Лойиҳанинг ишга тушириш босқичи билан боғлик тадбирлар БГҚ қувват блоклари ишлаши натижасида газсимон ифлослантирувчи моддаларнинг тарқалишига олиб келади. Ушбу чиқиндилар фақат табиий газ ёқилғисидан фойдаланган ҳолда комбинацияланган иш режимларида содир бўлади. БГҚ нинг таъсири, эҳтимол, буғли қозон-утилизаторига тегишли иккита асосий мўридан чиқаётган ҳаво чиқиндилари билан боғлик бўлиши мумкин.

Табиий газ ёниши натижасида мўри орқали ҳавога чиқариладиган ифлослантирувчи моддалар асосида азот углероди ( $\text{NO}$  ва  $\text{NO}_2$ ) ва углерод оксиди ( $\text{CO}$ ) бўлади. Табиий газдан фойдаланиш бошқа мазут ёқилғи мойидан ёки бошқа қаттиқ ёқилғидан қўра афзалроқ деб ҳисобланади ва  $\text{SO}_2$  ёки бошқа қаттиқ заррача чиқиндилар мавжуд бўлмайди.

Таклиф этилаётган Лойиҳа билан боғлик таъсирларни аниқлаш учун ҳаво сифати дисперциясини моделлаштиришнинг батафсил баҳоси ўтказилди. Ушбу баҳолашда кўриб чиқилган асосий ифлослантирувчи моддалар қуидагилардан иборат:  $\text{NO}_2$  ва углерод оксиди ( $\text{CO}$ ) табиий газнинг ёниши натижасида чиқариладиган асосий ифлослантирувчи моддалар бўлиб, улар ҳар қандай тегишли стандартлардан ошиб кетишига олиб келиши мумкин. Башорат қилинган концентрациялар Ўзбекистон қонунчилигига киритилган энг қатъий амалдаги стандартлар ва йўриқномалар, шунингдек, Европа Иттифоки (EU) стандартлари, Халқаро Молия Корпорацияси (IFC) йўриқномалари ва Бутунжаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти (WHO) йўриқномалари билан таққосланади.

$\text{NO}_2$  ва  $\text{CO}$  моделлаштириш натижаларига кўра, барча даврлар учун энг юқори даражадаги концентрация қийматлари атмосфера ҳавосининг сифати миллий стандартлари, IFC/WB EHS йўриқномасининг асосий тамойиллари ва Европа Иттифоқи атроф-муҳит стандартларига мувофиқдир.

Расм 1: Йиллик максимал NO<sub>2</sub> дисперсия харитасиРасм 2: Йиллик максимал CO<sub>2</sub> дисперсия харитаси



Ишга тушириш жараёнида назорат тизимларининг тўғри ишлиши ва модда қийматларининг амалдаги стандартлар ва кўрсатмаларга мувофиқлигини таъминлашда мўрида NO, NO<sub>2</sub>, CO мавжудлигини текшириш учун синовдан ўтказилади.

Тегишли жараёнларни бошқариш орқали ишга тушириш жараёнида мос шароитлар сақланишини таъминлаш учун мўрида NO, NO<sub>2</sub> ва CO эмиссияларининг доимий эмиссия мониторинги тизими (CEMC) ишлайди.

### **3.2 Иссикхона газларини ташламалари ва иқлим ўзгариши**

Қурилиш ва фойдаланиш босқичларида тупроқ ишлари, цемент ва пўлатдан фойдаланиш, техник хизмат кўрсатиш, табиий газнинг стационар ёниши натижасида сезиларли миқдорда тўғридан-тўғри ва билвосита ИГ газлари, дизель ёқилғи билан ишлайдиган транспорт воситалари ва ускуналаридан (масалан, CH<sub>4</sub>, CO<sub>2</sub>, N<sub>2</sub>O, CF<sub>6</sub>, HFC, PFC ва NF<sub>3</sub>) ташқарига отилиб чиқади. Лойиҳанинг ҳаётий айланиши давомидаги иссиқхона газлари то чиқиш манбасидан охиргача отилиб чиқиш ёндашуви билан тизим чегарасини ўрнатиш орқали ҳисобланади. Фақат жойида отилиб чиқсан ташламаларни ҳисобга олинса, барча иссиқхона газлар ташламалари ҳисоб-китоблари мавжуд маълумотлардан фойдаланган ҳолда ЕРА қайта ташкил этиш коэффициенти омиллари билан CO<sub>2</sub> эквивалентида ҳисобланади.

4-жадвал: Қурилиш босқичида ҳисобланган ИГ отилиб чиқишининг қисқача тавсифи

Бўлим	Тонна эквивалентида ҳисобланган CO <sub>2</sub> таърифи (1 йиллик фаолият)
<b>1 вазифа - ёқилғи ёниши</b>	244.5
<b>2 вазифа – харид қилинган электр энергияси</b>	1573
<b>З-вазифа – сув таъминоти</b>	4.3
<b>Бир йилга</b>	<b>CO<sub>2</sub> эквивалентида 1822 тонна</b>

Ишлаш босқичи учун умумий ҳисобланган ИГ ҳаво чиқидилари қўйидаги жадвалда жамланган.

Бўлим	Тонна эквивалентида ҳисобланган CO <sub>2</sub> таърифи (1 йиллик фаолият)
<b>1 вазифа - ёқилғи ёниши</b>	<b>4.63 x10<sup>6</sup></b>
<b>2 вазифа - харид қилинган электр энергияси</b>	<b>230.6</b>
<b>З вазифа – табиий газ таъминоти</b>	<b>826,182</b>



Бўлим	Тонна эквивалентида ҳисобланган CO <sub>2</sub> таърифи (1 йиллик фаолият)
<b>4 вазифа – сув таъминоти</b>	<b>89.4</b>
<b>Йиллик хажм</b>	<b>5.46 x 10<sup>6</sup> тонна CO<sub>2</sub>/йил</b>
<b>Ишлаш босқичидаги умумий ташлама (25 йил)*</b>	<b>5.46 x 106 x 25 = 136.5 x 106 тонна = 0.136 гигатонна</b>

### 3.3 Шовқин ва тебраниш

Қурилиш босқичидаги асосий шовқин манбалари қурилиш ишларида ишлатиладиган оғир машиналар ҳисобланади. Шовқин ва тебраниш билан боғлиқ қурилиш ишларига қўйидагилар киради:

- Қурилиш майдончасини тайёрлаш;
- Қурилиш ишлари;
- Қурилиш ва механик монтаж;
- Ички йўл қопламасини тортиш/маҳкамлаш;
- Тегишли обьектлардаги ишлар; ва
- транспорт воситаларининг ҳаракатланиши (майдон ичida ва ташқарисида)

Қурилиш ва ишга тушириш жараёнида ҳосил бўладиган шовқинни баҳолаш учун тўртта детектор танланган. Ушбу детекторларнинг учтаси лойиха ҳудудига яқин жойлашган турар-жой бинолари, қолганлари эса лойиха ҳудудидан тахминан 250 м узоқликда жойлашган чиқиндиларни қайта ишлаш иншоотидир.

Ҳисоб-китобларга кўра, лойиҳанинг қурилиш босқичидаги шовқин даражаси миллий ва халқaro чегараларда кундузи ва тунги вақт чегара қийматлари белгиланган. Бунга қўшимча равишда, XMK нинг AMXT бўйича кўрсатмаларида шовқин даражаси энг яқин рецепторнинг майдондан ташқарида жойлашган жойида шовқин даражасининг максимал 3 дБ га ошишига олиб келмаслиги кераклиги таъкидланган, ва шунинг билан ҳисоб-китоблар шовқин даражаси 3 дБ баробарида эмаслиги аниқланди.

Ишга тушириш масаласига келсак, лойиҳани ишлаб чиқишида шовқинни камайтиришга устувор аҳамият бериш учун паст шовқин даражасидаги ускуналарга эга бўлган замонавий технологияларни танлаб олишни ўз ичига олган. Шовқин даражаси 80 дБ(А) дан ошса, шовқин манбасини камайтириш учун қўшимча юмшатиш чоралари кўлланилади. Бундан ташқари, ходимларга шовқиндан ҳимоя қилиш мосламалари жойида ҳамда эшитиш органларини ҳимоя қилиш мажбурий бўлган юқори шовқин зонаси сифатида белгиланган ҳудуд билан таъминланади.



### 3.4 Сув манбалари ва оқава сувлар бошқаруви

Қурилиш ишлари жараёнида сув флора ва фаунаси ҳамда сув сифатига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган асосий фаолият турларини қўйида санаб ўтиш мумкин:

- Сув омборига сув чиқариш ва сув олиш қувурларини ётқизиш;
- Қурилиш ва майший мақсадларда фойдаланиладиган сув;
- Қурилиш майдончасидаги қурилиш ишлари натижасида ер ости сувларини сув омборлари қирғоқларига тўкилиши;
- Қурилиш ишлари натижасида сув тўсиғи ва сув ҳавзасидаги яшаш жойларининг фрагментацияси.
- Қурилиш туфайли юзага келган сувларни оқизиш;
- Тупроқнинг юқори қатламини, ортиқча тупроқни, чиқинди майдончаларини ва қазилма чуқурларни нотўғри бошқариш натижасида тупроқ ҳаракати эрозияларининг пайдо бўлиши.

Заводнинг қурилиш босқичида сув, асосан, қурилиш қўйилмаларини тайёрлаш учун, шунингдек, қурилиш майдончасидаги чангни камайтириш учун ҳудудни суғориш учун керак бўлади. Бундан ташқари, майший ва ичимлик суви эҳтиёжини қондириш учун ичимлик эҳтиёжлари, душ қабул қилиш ва овқат пиширида зарур бўлади. Қурилиш давридаги сувга бўлган эҳтиёж яқин атрофдаги туманлардан юк машиналари орқали етказиб берилади. Ичимлик суви бозордан сотиладиган ичимлик суви билан таъминланади.

Шу сабабли, Лойиҳанинг қурилиш босқичида Учқизил сув омборидан ҳам, ер ости сувларидан сув олиш таъминоти режалаштирилмаган. Бошқа томондан қаралганда, фойдаланишга топшириш босқичида сув Учқизил сув омборидан етказиб берилади.

Қурилиш жараёнида жами сув истеъмоли қунига 412,073 м<sup>3</sup> (111,521.28 м<sup>3</sup>/йил) деб ҳисобланган, шундан ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун - 8,773 м<sup>3</sup> / қунига ёки йилига 3,202.5 м<sup>3</sup>; майший ва ичимлик эҳтиёжлари учун - 256.5 м<sup>3</sup>/кун (93,638.78 м<sup>3</sup>/йил), ҳудудини суғориш учун - 146,8 м<sup>3</sup>/кун (53,582 м<sup>3</sup>/йил).

Ишга тушириш босқичида сарфланадиган жами сув ҳажми тахминан 93 000 м<sup>3</sup> ни ташкил этади.

Термиз оқава сувларини тозалаш иншоотининг қуввати 2020 йил ҳолатига кўра суткасига 25 000 м<sup>3</sup> ни ташкил этади. Лойиҳанинг қурилиш босқичида пайдо бўлган майший оқава сувлар Термиз оқава сувларини тозалаш қувватининг атиги 13% фоизини эгаллайди.



5-жадвал: Қурилиш ва ишга тусириш босқичларида сув истеъмоли ва оқава сувларни ҳосил қилиш

Тур	Сони	Манба / Утилизация қилиш
<b>Сув истеъмоли -</b>		<b>Қурилиш босқиччи</b>
<b>Курилиш</b>	8.773 м <sup>3</sup> /кунига	Яқин атрофдаги туманлардан юк машиналарда олиб келинади
<b>Маишӣ  ва иҷимлик суви</b>	256,5 м <sup>3</sup> /суткага	Маишӣ сув – яқин атрофдаги туманлардан Иҷимлик сув – бозордан шиша идишдаги иҷимлик сув билан таъминланади-
<b>Майдон сӯғорилиши</b>	146.8 м <sup>3</sup> /суткага	Яқин атрофдаги туманлардан авто-транспортда олиб келинади
<b>Сув истеъмоли – ишга тусириш</b>		
<b>Ишга тусириш</b>	93,000 м <sup>3</sup>	Учқизил сув омборидан
<b>Чиқинди сувлар</b>		
<b>Маишӣ чиқинди сувлар</b>	256,5 м <sup>3</sup> /кунига	Қўрсатгичлар – сув ўтказмайдиган идиш Оқава сув – Термиз ОҚТИ

Қўйида қурилиш босқичида сув сифатига таъсирни камайтириш бўйича чора-тадбирлар келтирилган:

- Лойиҳани муваффақиятли амалга ошириш учун зарур бўлган сувни оқизиб чиқаришга зарур бўлган рухсатнома/лицензиялар зарурлиги ва қўлланилишини тасдиқлаш учун Лойиҳа Учқизил сув омбори билан маслаҳат олиб боради. Бундай каби сувни оқизиши учун рухсатнома/лицензиялар оқава сувларни (жумладан ёмғир сувлари) оқизиб ташлаш ишлари билан боғлиқ бўлади. Ҳар сафар сувдан фойдаланишда рухсатнома билан боғлиқ маҳсус шартлар ва қоидаларга риоя қилинади ва уларга риоя қилиш мунтазам текширувлар ва/ёки аудит текширувлар орқали назорат қилинади ва тасдиқланади;
- Кўлоб ва оқизма чиқиндиларнинг тозалаш ва аварияда иш юритиш, жумладан иш жараёни, масъулият, ўргатиш ва ўқитиш эҳтиёж бўлган тартиб-қоидаларини ўз ичидаги акс эттирган услубий қўлланмалар ишлаб чиқиласди.
- Ер усти ва ер ости сув ресурсларига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган хавфли моддаларни ташиш ва қайта ишлашнинг тўғри усууллари бўйича тренинглар ўтказилади.
- Тупроқни ифлослантирувчи моддалар тўкилиши содир бўлган жойлар қазиб олинади (ифлосланиш чуқурлигигача) ва тегишли равишда қайта тикланади. Агар бошқа майда нарсалар тўкилган бўлса, тўкилган жой дарҳол тозаланади ва ифлосланган жой қайта тикланади. Барча ифлосланган материаллар тегишли тарзда утилизация қилинади.



- Ҳар қандай ер усти сув ҳавзаларида ва унинг атрофида лойиҳа транспорт воситаларини ювиш тақиқланади. Лойиҳанинг барча транспорт воситалари майдонда белгиланган ювиш жойларида ювилади. Ушбу ювиш жойларида кулранг сув учун ёғ/ёғли чиқиндиларни тутувчи тузоқлар бўлиши керак.
- Қурилиш ҳудудида ва унинг атрофида автотранспорт воситаларига вақтинча техник хизмат кўрсатиш хизматининг олди олинади. Барча транспорт воситаларига маҳсус устахонада хизмат кўрсатилади. Устахоналар сақловчи бермалар ва ёғ/ёғли чиқиндиларни тутувчи тузоқлар бўлиши керак.
- Барча қурилиш майдончалари ва тегишли обьектлар тоза ва озода ҳолатда сақланади; аҳлат ва чиқиндилар кучли ёмғир даврида ер усти сувларига сингиб кетмайдиган тарзда сақланади.
- Иложи бўлса, очиқ юзалар ва мўрт материалларнинг усти ёпиқ ҳолатда сақланилади
- Қурилиш ишлари “Сув обьектларининг сувни муҳофаза қилиш зоналари ва санитария муҳофазаси зоналарини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги”даги Низомда белгиланганидек сув обьектларидан  $>150\text{m}$  узоқлиқда олиб борилади.
- Иш жойидаги ходимлар ва ишчилар учун иш жойларида етарлича ҳожатхоналар таъминланади ва уларга малакали ва тегишли тажрибага эга бўлган шахс мунтазам равишда хизмат кўрсатади.
- Қурилиш жараёнида ҳосил бўладиган майший чиқинди сувларни кейинчалик Термиз шаҳридаги энг яқин тозалаш иншоотларига олиб чиқиб, вақтинча ўрнатилган сақлаш резервуарига (сув ўтказмайдиган чуқурчага) йўналтириш режалаштирилган.
- Ёғли моддалар билан ифлосланиши мумкин бўлган барча оқава сувлар тасдиқланган чиқиндиларни бошқариш режасига мувофиқ амалга оширилади ва углеводород билан ифлосланган сув атроф-муҳитга чиқарилмайди.
- Рухсат этилган ёқилғини сақлаш инфратузилмаси текис, сув ўтказмайдиган юзада сақланади ва уларни сақлаш идиш(лар) ҳажмининг 110 фоизи ҳажмига эга бўлган атрофли мослама билан ўралган бўлади ва стационар станцияларда ёнилғи қўйиш бетон юзасида ёки механик ёғ ажратгич ёрдамида амалга оширилади.
- Кимёвий моддаларни сақлаш ва уларни тарқатиш жойлари ер усти сув ҳавзаларидан имкон қадар узоқроқда жойлаштирилади ва ҳеч қандай ҳолатда уларни суғориш каналида дренажлаш мумкин эмас. Уларни сақлаш омбори текис, сув ўтказмайдиган юзада бўлади ва мослама ёки ёпиқ омбор билан ўралган бўлади. Дарёлар ва бошқа ер усти сув ҳавзаларининг лойқаланишига йўл қўймаслик учун тупроқ захиралари ер усти сув ҳавзаларидан узоқда жойлаштирилади.

Сув олиш иншооти қайиқлар билан тўқнашув ва илиқ ер усти сувини олишдан ҳимояланиш учун сувнинг минимал сатҳидан етарлича чуқурлиқда ва чўкинди ва лойининг кириб келишини олдини олиш учун сув омборининг тубидан етарлича масофада бўлади. Сув олиш тезлиги  $0,15 \text{ m/s}$  билан чекланади ва балиқ ва ҳайвонот дунёсининг сувга киришига йўл қўймаслик учун пуфакчали парда қўйилиши керак.



Тўкиш нуқтаси асосий сув ҳавзаси билан аралаштиришни таъминлаш учун қирғоқдан етарли масофада бўлади. Батиметрия, гидравлик ва қирғоққа яқин топография тадқиқотларини ўтказиш билан бирга батафсил лойиҳалашдан сўнг аниқ жойлар аниқланади ва давлат органларидан зарур рухсатномалар олинади.

Умумий соатлик сув истеъмоли 15, 75 м<sup>3</sup> ни ташкил қилади. Қўйидагидек бўлинади.

- Олинган сувнинг 18, 5 м<sup>3</sup>/соати (шундан 2, 75 м<sup>3</sup>/соат лойни тозалаш тизимидан олинади) саноат эҳтиёжлари учун сув билан таъминлаш учун хом сувни олдиндан тозалаш тизимида юборилади.
- Олинган умумий ҳажмнинг 16, 644 м<sup>3</sup>/соати (18, 5 м<sup>3</sup>/соат) Тозаланган сув ҳавзасига йўналтирилади.
- 24, 674 м<sup>3</sup>/соат сув (шундан 8, 03 м<sup>3</sup>/соат пуфлаш чуқуридан тушади) шағал филтрини қайта тиклашга (~98%) йўналтирилади.

Сув истеъмоли ставкаларини созлаш Лойиҳани ишга туширишдан олдин ускунанинг барча хусусиятларини аниқлагандан сўнг амалга оширилади.

### **3.5 Тупроқ, геология ва ер ости сувлари**

Қурилиш ишлари давомида тупроқнинг ифлосланиши мобил транспорт воситалари ва қурилиш техникаси учун ёқилғи сифатида ишлатиладиган нефть маҳсулотларининг тўкилиш эҳтимоли мавжуд. Бироқ, бу ҳолатда ифлосланиш кичик миқдорда ва маҳаллий миқёсда бўлади. Заиф эрувчанлиги туфайли нефть маҳсулотлари паст миграция қобилиятига эга бўлади ва ер ости сувлари учун ҳавф туғдирмайди. Ёқилғи тўкилиши натижасида ёнғин содир бўлиш эҳтимоли ҳам паст. Умуман олганда, қурилиш даврида нефть маҳсулотлари билан ифлосланган тупроқ ва ер ости сувлари атроф-муҳит ва ходимларнинг ҳавфсизлиги учун катта ҳавф туғдирмайди.

Бу каби ҳавфли ва хатарли кимёвий моддаларнинг мавжудлиги ва улардан фойдаланиш қабул қилувчи гидрологик муҳитга ушбу материалларнинг тасодифий тўкилиши ёки озгина миқдорда чиқиши эҳтимолини оширади. Бундан ташқари, қурилиш майдончасини тайёрлаш ва у билан боғлиқ инфратузилмани қуриш сув омборида чўкинди юкларининг ошишига олиб келиши мумкин. Тупроқка ва ер ости сувларига ҳар қандай оқиш/шикастланишлар тегишли тарзда ишлаб чиқилган хатарни кўпайиши олдини олади.

### **3.6 Чиқиндиларни бошқариш**

Қурилиш жараёнида қурилиш ишлари, тўсиқлар, йўллар ва биноларни қуришда чиқиндилар ҳосил бўлади.

Оддий қурилиш чиқиндиларига бетон, асфальт, пўлат парчалари, шиша, пластмасса, ёғоч, қадоқлаш материаллари ва қурилишдаги ишчиларнинг майший чиқиндилари (яъни, озиқ-овқат истеъмоли билан боғлиқ) киради. Қурилиш майдончасида икки шаклдаги бетон топиш мумкин; темир-бетонни ўз ичига олган конструктив элементлар,



пойдеворлар эса (масалан, сирт даражасидаги бетон плиталар) оммавий темир бўлмаган бетондан иборат.

Қурилиш жараёнида ҳосил бўладиган майший оқава сувларни кейинчалик Термиз шахридаги энг яқин тозалаш иншоотларига олиб чиқиб, вақтинча ўрнатилган сақлаш резервуарига (сув ўтказмайдиган оқава) ўйналтириш режалаштирилган. ЕРС пудратчиси, шунингдек, миллий қонунчиликда белгиланган талабларга мувофиқ, комплекс (кичик ўлчамли) оқава сувларни тозалаш иншоотларини ташкил этиш каби бошқа варианtlарни ҳам излайди.

Таклиф этилаётган Лойиҳанинг ишга туширилиши маъмурий обьектларининг ишлаши ва ходимларнинг фаолияти натижасида кичик миқдордаги хавфли бўлмаган майший чиқиндиларни ҳосил қиласди.

Ушбу чиқиндиларни қайта ишланадиган ва қайта ишланмайдиган деб таснифлаш мумкин. Қайта ишланадиган чиқиндиларга қофоз, қалай қутилари, пластмассалар, картонлар, каучук ва шишалар киради, қайта ишланмайдиганлар эса асосан озиқ-овқат қолдиқлари ва бошқа органик чиқиндилар киради. Иш пайтида ҳосил бўладиган бошқа қаттиқ хавфли чиқиндилар: ободонлаштириш чиқиндилари ва ифлосланмаган захира қисмлар ва қадоқловчи моддалар ҳисобланади.

Ишга тушириш босқичида ҳосил бўладиган хавфли чиқиндилар сув ўтказмайдиган қаттиқ жойларда, герметик контейнерларда, юқори даражада сақлаш ва ажратиш қобиқларда, қўёш/ёмғирдан ҳимояланган, алоҳида дренаж тизими, яхши шамоллатиш ва тўкиш тўпламлари билан жиҳозланган ёпиқ идишларда сақланади. Бундай каби жой ҳар қандай олов манбаларидан узоқда жойлашган бўлиши керак. Чиқиндиларни контейнерда сақлаш ва батафсил хавфсизлик чораларини аниқ тасвирлаш учун тегишли огоҳлантирувчи ёрлиқли белгилар билан жиҳозланади. Ёрлиqlар сув ўтказмайдиган, ишончли тарзда ёпиширилган тарзда инглиз ва бошқа тилларда, масалан, ўзбек ва рус тилларида ёзилган бўлади. Мумкин бўлган жойларда кимёвий моддалар ўзининг асл идишида сақланади.

### 3.7 Экология

Ер усти экологиясини ўрганиш 2021 йил июль ва 2022 йил апрель ойларида бўлиб ўтган, бу эса жумладан ёз ва баҳор фаслларига тегишилди. 2022-йил сентябр ойида кузги давр учун қўшимча сўровлар ўтказилди. Тадқиқотлар ўз ичига лойиҳа худудини ҳам, унинг атрофини ҳам қамраб олади.

Физиографик жиҳатдан Лойиҳа худуди Ўзбекистоннинг жанубида, Сурхондарё тоғлараро худудида (Сурхон-Шеробод водийси) шимолдан жанубга ўйналтирилган, Амударё текислигига жойлашган. Шимоли ва ғарбида Сурхон-Шеробод водийси Ҳисор тизмаси билан чегараланган бўлиб, унинг ўқ қисмининг баландлиги денгиз сатҳидан 4000 м дан ошади ва унинг жануби-ғарбий этаклари, жумладан Чулбайр тоғлари (энг баланд жойи денгиз сатҳидан 3812 м), Бойсунтау (3920 м), Сусизтау (2124 м), Тубере-Оланд (2139 м) ва Кугитанг тизмаси (3137 м)ни ўз ичига қамраб олган.

Худуд Каттақум қумли массивининг ғарбий қисмига туташ бўлиб, у ерда ноёб ва эндемик ўсимлик ва ҳайвон турлари яшайди. Каттақум қумларининг периферик қисми ландшафти



тўлқинсимон ёки бироз тепаликли қумли текисликдан иборат бўлиб, марказий қисмини анча кенг тарқалган ярим қўзғалмас адирли қумлар (адирлар баландлиги 3–7 м) эгаллаган ва майда шўрланган чўкмалар мавжуд. Учқизил сув омборининг майдони тахминан 10 км<sup>2</sup> ва чуқурлиги максимал 37 м, туви қумли, асосан паст ва майин қумли ва қумли соҳиллари бор, лекин унинг шимолий қирғофи, яъни Лойиҳа ҳудудига туташ бўлган ҳудуд нисбатан тик, эрозияга учраган қияликларга эга бўлиб, гипс ва шўрланган чўққилардан ташкил топган.

Ўзбекистонда қўлланиладиган ўсимлик қопламининг типологиясига кўра, Каттақум қумларида қумли чўлларнинг псаммофил ўсимликлари (*Psammophyta*), қумтошлар ёнбағирларида, гипсофил ўсимликлар (*Gypsophyta*), Учқизил сув омбори қирғоқлари ва қумлар орасидаги шўрланган чуқурликларда майда шўр ерларда ўсадиган ўсимликлар (*Halophyta*) учрайди.

Дала майдонларини ўрганиш давомида дала гуруҳи томонидан олинган ҳисботлар, адабиётлар, гербарий маълумотлари ва фотосуратлар асосида тузилган Каттақум қумлари флорасининг дастлабки рўйхати 131 турни, Марказий Осиёning бир қисми бўлган ва асосан жанубий қумли ва шўр чўллар флорасининг типик вакилларини ўз ичига олади. Турларнинг катта қисми маҳаллий ҳисобланади; бегона ўсимлик турларининг сони жуда кам.

Ўзбекистон Қизил китобига киритилган атиги З тур (*Allium rhodanthum*, *Dipcadi turkestanicum*, *Oligochaeta vvedenskyi*) Сурхон-Шеробод водийсининг марказий қисмидаги Каттақум ва Хаудактау қумли массивлари адабиёт ва гербарий маълумотлари асосида қайд этилган, буларнинг дастлабки иккитаси фақат Хаудактаудан маълум ва маҳсус изланишларга қарамай, сўнгги бир неча ўн йилликлар давомида қайд этилмаган. Шунга қарамай, бу турларни Каттақум қумларида топиш имконияти мавжуд (лойиҳа ҳудуди ҳам эҳтимоли мавжуд).

Нисбатан кичик бўлган ва анча урбанизациялашган лойиҳа ҳудудида 12 оиласга мансуб судралиб юрувчиларнинг 27 тури мавжуд.

Лойиҳа ҳудуди атрофидаги ҳудуд учун камдан-кам учрайдиган ёки рўйхатга киритилган жами 149 та қуш турини аниқлаш мумкин. Бу ерда Ўзбекистоннинг ягона эндемик қуши бўлган *Podoces panderi* тури яшамайди. Уларнинг 21 тури IUCN мақомига эга (NT-10 тур, VU - 7 тур ва EN - 4 тур). 33 тури Ўзбекистон Қизил китобига киритилган (2019 йил) 4 тури EN мақомига эга, 23 таси VU ва 6 таси NT тури. Дала ўрганишлар давомида 49 турдаги қушлар қайд этилган бўлиб, улардан 26 таси тўғридан-тўғри режалаштирилган ҳудудда учратилган.

Мавжуд адабиёт манбалари асосида лойиҳа ҳудудида ва унинг атрофида 6 оиласга мансуб сут эмизувчиларнинг 22 га яқин тури қайд этилган.

Ҳудудда Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган сут эмизувчиларнинг 6 тури потенциал равишда яшайди; *Otonycteris hemprichi*, *Vulpes corsak turkmenicus*, *Vormela peregrina*, *Lutra lutra seistanica*, *Hyaena hyaena*, *Felis margarita*, *Caracal caracal michaelis*, *Vormela peregrina* ва 5 турга CITEC (*Lutra lutra*, *felis chaus*, *Felis lybica*, *Felis margarita*, *Caracal caracal michaelis*) киради. Ўрта Осиёning иккита эндемик тури *Rhinolophus bocharicus* и *Allactaga severtzovi*, *Gazella subgutturosa* ҳисобланади. Бу ҳудудда илгари яшаб келган *Gazella subgutturosa* бутунлай йўқ қилиб ташланган.



2021 йил июль ва 2022 йил апрель ва 2022 йил сентябрь ойларида ўтказилган сўровлар натижаларига кўра дастлабки яшаш мұхити танқидий баҳолаш тарзда амалга оширилди. Лойиха ҳудудида дала тадқиқоти давомида кузатилган ўсимлик ва ҳайвонлар турларининг ҳеч бири СНА мезонларига жавоб бермайди. *Neophron percnopterus* (Миср жўрчиси), озиқланиш учун лойиха ҳудудига вақтинча ташриф буюради, чунки лойиха ҳудуди яқинида маиший чиқиндиҳона мавжуд. Бу тур ҳам СНА мезонларига жавоб бермайди, чунки унинг сони дунё аҳолисининг 0,5% дан камини ташкил қиласи. Лойиха ҳудудида калҳат уялари мавжуд эмас. Ўзбекистон Республикаси Миллий Қизил китобига (2019) киритилган лойиха ҳудудида кузатилган қолган ўсимлик ва ҳайвон турлари NT ва VU маҳаллий муҳофаза мақомига эга бўлиб, улар СНА мезонларига жавоб бермайди. СНА мезонларига жавоб берадиган, IUCN Қизил рўйхатига, адабий манбаларда бўлган ҳеч қандай ҳайвон турлари кузатилмаган.

### **3.8 Ижтимоий-иқтисодий соҳа**

АМТК тадқиқоти Лойиха қурилиш жараёнида юзага келиши мумкин бўлган бир қанча ижобий ва салбий таъсирларни аниқлади. Бу таъсирлар;

- Ишчи ўринларини яратиш,
- Маҳаллий иқтисодий ривожланиш,
- Ишчилар оқимини кириб келиши,
- Ижтимоий хизматларга бўлган таъсири

Қурилиш ишлари жараёнида асосий иқтисодий таъсир, эҳтимол, ушбу босқичда иш ўринларини яратиш натижасида юзага келади. Ушбу Лойиханинг қурилиш ишларини олиб бориш босқичида малакасиз ва малакали ишчилар учун иш ўринларини яратиш кўзда кутилмоқда. Маҳаллий ишчилар ва чет элликлар ўртасидаги ижтимоий низолар келиб чиқишини олдини олиш учун меҳнат улушлари ўртасидаги мувозанатга эътибор бериш керак.

Иш билан банд бўлганларнинг оилаларида тўғридан-тўғри пул ҳажмини кўпайиши билан бир қаторда, ишчиларга тўланадиган ойлик ҳам маҳаллий иқтисодиётни мультиплекатив таъсири орқали рағбатлантиради, шунинг учун сарфланган Лойихадан олинган пул маҳаллий иқтисодиёт ривожлантиради.

Лойихадаги қурилиш ишлари мұхим ишчи кучини (тўғридан-тўғри ва шартнома асосида) жалб қилишни талаб қиласи. Ишчи кучининг тахминан 30% малакага эга эмас ва 70% малакали бўлиши тахмин қилинмоқда. Пудратчи ишчи кучини (шу жумладан, шартнома талаблари орқали субпудратчиларни) маҳаллийлаштиришга аҳамият беради ва ишчи кучининг 50% маҳаллий фуқаролар бўлиши кутилмоқда. Ушбу сиёsat маҳаллий ишчилардан максимал даражада фойдаланишга ва маҳаллий бўлмаган ишчиларнинг ҳудудга келиши сонини қисқартиради.



### **3.9 Даромад манбаларини тиклаш**

2021 ва 2022 йилларда ўтказилган ижтимоий объектларни ўрганиш давомида лойиҳа худудида ҳеч қандай расмий ва/ёки норасмий ер фойдаланувчилари кузатилмаган. Лойиҳа уй хўжаликлари ва жамоаларнинг турмуш тарзига ҳеч қандай таъсир кўрсатмаса ҳам, агар керак бўлса, Лойиҳа компанияси ушбу режада белгиланган минимал талабларга риоя қилишини таъминлаш учун ушбу АМТБ ҳисоботида даромад манбааларини тиклаш асоси тақдим этилган.

### **3.10 Жамият саломатлиги ва хавфсизлиги**

Лойиҳанинг жамият саломатлиги ва хавфсизлигига потенциал таъсири маҳаллий аҳоли сонининг кўпайиши туфайли ишчи кучини жойлаштириш зарурати, касалликлар ва хасталиклар, жинсий йўл билан юқадиган касалликлардан келиб чиқади.

Лойиҳанинг қурилиши муҳим ишчи кучини жалб қилишни талаб қиласиди ва қурилишнинг энг юқори чўққиси даврида максимал ишчи кучи 2050 одам атрофида бўлади. Ишчи кучининг тахминан 30% малакасиз, қолганлари эса малакали ёки яrim малакали ходимлардан иборат бўлади.

Ўзини ўзи таъминлайдиган ишчиларни турар жой билан таъминлаш пудратчи зиммасига юқлатилади. Қурилиш ишлари учун зарур бўлган ишчи кучи яқин атрофдаги шаҳарларда жойлаштирилиши ва лойиҳа худудида турар жой бўлмаслиги назарда тутилган. Ишчиларни жойлаштириш бўйича барча иншоатларда ишчиларни жойлаштириш бўйича ХМК йўриқномасига мувофиқ лойиҳалаштирилади ва ундан фойдаланилади. Ишчилар лойиҳа худудига автобуслар орқали етказилади.

Ишчи кучининг 50% учинчи томон фуқаролари бўлиши кутилмоқда. Бундай каби ишчи кучининг вақтинча миграцияси маданий, диний, кариндош-уроф ва хулқ-атвор муаммолари туфайли маҳаллий ҳамжамият ва лойиҳа ишчилари ўртасида низоларга олиб келиши мумкин.

Хавфли материаллар ёки кимёвий омборлар билан боғлиқ хавфлар қурилиш босқичида илғор халқаро саноат амалиётига мувофиқ бошқаруви бўйича бошқарилади.

Қурилиш объектларида ҳосил бўлган чиқиндиларни ташувчи материалларни ташиш транспорт воситалари, автобуслар ва транспорт воситалари қурилиш даврида объектдан ташқари йўлларда ҳаракатланишнинг кўпайишига олиб келиши мумкин.

Лойиҳа худуди қурилиш вақтида аҳолининг қурилиш майдончаларига киришининг олдини олиш учун дарвозалар ва участка ва кириш йўллари атрофида патруль хизмати мавжудлигини талаб қиласиди. Бу каби ҳаракатлар қурилиш майдончасидаги баҳтсиз ҳодисалар ёки қурилиш техникасининг шикастланишини минималлаштириш учун қилинади. Хавфсизлик ходимлари қуролсиз бўлиши кутилмоқда.



## 4. Экологик ва ижтимоий бошқарув тизими

Лойиҳа майдонини тайёрлаш ва қурилиш ишлари бошидан то сўнгги босқичигача бўлган лойиҳанинг экологик ва ижтимоий таъсирини самарали бошқариш учун Атроф-муҳит ва ижтимоий бошқарув тизими (ESMS) ташкил этилади. ESMSни яратишда қуйидаги меъёр/хужжатлар эътиборга олинади.

- Тегишли миллий қонунлар ва қоидалар, шунингдек Европа Иттифоқи директивалари га мувофиқлик даражаси
- Халқаро молия корпорацияси лойиҳа стандартлари (IFC PS)
- Осиё инфратузилма инвестиция банки (ABII) Экологик ва ижтимоий сиёсати
- Халқаро молия корпорацияси (IFC) Атроф-муҳитни қўриқлаш ва хавфсизлик умумий бошқаруви
- АМИТБ тадқиқоти доирасида тайёрланган Экологик ва ижтимоий ҳаракатлар режаси (ПЭСМ).

Лойиҳанинг турли босқичларида аниқланган таъсир кўрсатувчи ва хавфларни бартараф этиш бўйича белгиланган чора-тадбирлар нафақат Лойиҳа компанияси томонидан, балки Бош пудратчи ва агар мавжуд бўлса, субпудратчилар томонидан ҳам қабул қилиниши керак. Компания эгаси АМИТБдаги масалаларни амалга ошириш бўйича жавобгар бўлади.

Лойиҳа компанияси АМИТБни яратиш, уни амалга ошириш ва хизмат кўрсатиш учун масъул бўлган АМИТБ менежерини тайнинлади. АМИТБ менежери ва унинг жамоаси АМИТБнинг самарали амалга оширилишини таъминлаш учун лойиҳа буюртмачиси ва пудратчиларнинг ходимлари билан яқиндан ҳамкорлик қиласи.

Лойиҳа компанияси самарали ички ва ташқи алоқа механизмини яратиш ва қўллаб-қувватлаш учун зарур тартиб-қоидаларни ишлаб чиқади. Самарали алоқани амалга ошириш лойиҳа эгасининг веб-сайти ва учрашувлар каби механизмлар орқали таъминланади.

## 5. Манфаатдор томонлар билан ўзаро ҳамкорлик

### 5.1 Лойиҳанинг манфаатдор томонлари

Лойиҳа учун белгиланган манфаатдор томонларнинг тафсилотлари МТЖР (манфаатдор томонларни жалб қилиш режаси) да келтирилган ва манфаатдор томонлар рўйхати қўйида келтирилган:



Манфаатдор томонлар гурӯҳи	Аниқ манфаатдор томонлар	Аниқ манфаатга эга бўлган /Долзарблиги/Таъсири
<b>Лойиҳага жалб этилганлар</b>	<p>Учқизил маҳалла аҳолиси (лойиҳа ҳудудидан радиусда) 5 км            Каттақум маҳалла аҳолиси (лойиҳа ҳудудидан радиусда) 5 км            Баҳор маҳалла аҳолиси (лойиҳа ҳудудидан 10 км радиусда)            Дехқонбирлашув маҳалла аҳолиси (лойиҳа ҳудудидан 10 км радиусда)            Илғор маҳалла аҳолиси (лойиҳа ҳудудидан 10 км радиусда)            Карвон маҳалла аҳолиси (лойиҳа ҳудудидан 10 км радиусда)            Қайрон маҳалла аҳолиси (лойиҳа ҳудудидан 10 км радиусда)            Халқобод маҳалла аҳолиси (лойиҳа ҳудудидан 10 км радиусда)            Илғор маҳалла аҳолиси (лойиҳа ҳудудидан 10 км радиусда)            Маданият маҳалла аҳолиси (лойиҳа ҳудудидан 10 км радиусда)            Марказ маҳалла аҳолиси (лойиҳа ҳудудидан 10 км радиусда)</p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- Лойиҳанинг келажак ESMS лари орқали бошқариладиган лойиҳа билан боғлиқ экологик ва ижтимоий хатар ва таъсиrlар/ потенциал таъсиrlар</li> <li>- Эко-ижтимоий таъсир бошқаруви</li> <li>- Имтиёзларни максимал даражада ошириш бўйича ҳамкорликни йўлга қўйиш ва маҳаллий миқёсда бандлик ва товарлар хизматларини етказиб беришни режалаштириш</li> </ul>
<b>Бошқа манфаатдор томонлар</b>	<p>Термиз ҳокимлиги            Ангор тумани ҳокимлиги туман соғлиқни сақлаш бўлими            Сурхондарё вилояти Маданий мерос бошқармаси            Термиз археология музейи            Термиз тумани таълим бўлими</p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- Лойиҳа билан боғлиқ бўлган рухсатнома бериш жараёнларига таъсири</li> <li>- Лойиҳа фаолияти ва жараёнларини</li> </ul>



Манфаатдор томонлар гурӯҳи	Аниқ манфаатдор томонлар	Аниқ манфаатга эга бўлган /Долзарбилиги/Таъсири
	<p>Термиз тумани соғлиқни сақлаш бўлими</p> <p>Ангор тумани соғлиқни сақлаш бўлими</p> <p>Ангор туман қишлоқ хўжалиги бўлими</p> <p>Ангор тумани таълим бўлими</p> <p>Ангор тумани кадастр бўлими</p> <p>Аму Сурхон вилояти инспекция бошқармаси</p> <p>Ангор тумани меҳнат бўлими</p> <p>Ангор тумани йўл қурилиши ва ташиш бошқармаси</p> <p>«Ангор Моноцентр» расмий ўқув маркази (Меҳнат вазирлиги)</p> <p>Ангор тумани ёшлар билан ишлаш бўлими</p> <p>Термиз туман қишлоқ хўжалиги бошқармаси</p> <p>Термиз тумани меҳнат бўлими</p> <p>Термиз тумани ҳокимлиги бўлими</p> <p>Термиз тумани кадастр бўлими</p> <p>Академик/таълим муассасалари</p>	<p>мувофиқлаштириш ҳамда манфаатдор томонларни жалб қилиш тадбирлари</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- Атроф-муҳит ва ижтимоий таъсиrlарни бошқариш</li> <li>- Фавқулодда вазиятларга тайёрлик ва мувофиқлаштириш</li> <li>- Турли таъсир доиралар мажмуасини бошқариш</li> </ul>
<b>Ижтимоий оқиз ва ҳимояга муҳтоҷлар</b>	<p>Аёллар</p> <p>Ёшлар</p> <p>Үй бекалари, асосан аёллар</p> <p>Балиқчилар</p> <p>Имконияти чекланган одамлар</p> <p>Номунтазам даромад олувчилар</p>	<p>Лойиҳанинг келажае ESMS лари орқали бошқариладиган лойиҳа билан боғлиқ Экологик ва ижтимоий хатар ва таъсиrlар/ потенциал</p> <p>Имконияти чекланган ва оғир оилавий муҳтоҷ шахслар/ гуруҳлар Лойиҳа хақида етарли маълумотларга эга бўлишини таъминлаш, бу шахслар/ гуруҳлар Лойиҳанинг афзалликларидан тенг фойда олишларини таъминлаш</p>



Манфаатдор томонлар гурӯҳи	Аниқ манфаатдор томонлар	Аниқ манфаатга эга бўлган /Долзарблиги/Таъсири
<b>Маҳаллий корхоналар, етказиб берувчилар, бошқа саноат лойиҳалари</b>	Маҳаллий компаниялар	<ul style="list-style-type: none"> <li>- Лойиҳанинг потенциал афзалликлари/имкониятларидан ижобий таъсир кўрсатиши</li> <li>- лойиҳага оид бўлган маҳаллий товарлар ва хизматларни етказиб бериш</li> <li>- инфратузилма хизматларини мувофиқлаштириш</li> <li>- Кумулятив таъсирлар бошқаруви</li> </ul>
<b>Маҳаллий оммавий аҳборот воситалари</b>	Миллий ва маҳаллий газеталар, маҳаллий журнал ва телеканаллар	Лойиҳа ҳақидаги маълумотни манфаатдор томонлар билан алмашинуви

## 5.2 Манфаатдор томонларни жалб қилиш бўйича бугунги кунгача бўлиб ўтган тадбирлар

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 07.09.2020 йилдаги “Атроф-муҳитга таъсирини баҳолаш механизмини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 541-сон қарорига асосан, атроф-муҳитга таъсир кўрсатишнинг I ва II тоифадаги обьектлари атроф-муҳитга бўлган таъсири борасидаги мавзуда жамоатчилик йиғилишлари ўтказилади. Шунга кўра, 2021 йил 17 август куни Ангор туманида Жамоатчилик муҳокамаси йиғилиши бўлиб ўтди.

Бундан ташқари, АМИТБ тадқиқоти давомида уй хўжаликлари сўровномаси, маҳаллий ҳокимият органлари томонидан маълумотни ошкор қилиш ва семинар муҳокамаси каби сифатли ва миқдорий усууллар қўлланилди. Уй хўжаликлари сўровномаси ўз ичига 410 та хонадонни қамраб олди, улардан 295 таси Ангорда, 115 таси Термиз туманларида бўлиб ўтди.

2022 йилнинг июль-август ойлари Ангор ва Термиз туманларидағи 16 нафар маҳаллий ҳокимият вакиллари ўртасида маҳаллий ҳокимият органлари томонидан маълумотларни ошкора қилиш бўйича йиғилишлар бўлиб ўтди.

2022-йил июл-август ойларида аёллар, ёшлар/ишиналар ва фермерлар вакилларидан иборат олтида фокус-гурӯҳ муҳокамаси (FGD) бўлиб ўтди.



Ижтимоий объектларни ўрганиш давомида кўтарилигган асосий масалалар лойиҳанинг қурилиш ва фойдаланиш босқичларида тўлиқ қунлик иш имкониятлари билан боғлиқ эди. Респондентларнинг аксарияти ёшларнинг спортда ўз маҳоратини ошириш имкониятига эга бўлишлари учун уларнинг мактабларии яхши жиҳозланган спорт мажмусига эга бўлиши кераклигини таъкидлади.

Шунингдек, 2022-йил декабр ойида режалаштирилган Лойиҳа таъсирига тушиши мумкин бўлган жамоатчиликни ва бошқа манфаатдор томонларни хабардор қилиш мақсадида маълумот йиғилишлари ўтказилди. Биринчи йиғилиш 2022-йил 20-декабр куни Ангор туманида 27 киши иштирокида бўлиб ўтди. 2022-йил 22-декабр куни Термиз туманида 23 нафар иштирокчи иштирокида иккинчи учрашув бўлиб ўтди. Чунингдек, 2022-йилнинг 23-декабр куни Термиз ва Ангор туманларида хотин-қизлар (52 нафар иштирокчи) ва ёшлар (23 нафар иштирокчи) гуруҳлари билан учрашувлар ўтказилди. Учрашувлар давомида Лойиҳанинг потенциал экологик ва ижтимоий таъсири ва хавфлари ҳақида ҳеч қандай ташвишлар кузатилмади. Кўтарилигган саволлар асосан маҳаллий бандлик, кутилаётган иш ҳақи, атроф-муҳит ва ижтимоий муҳит билан боғлиқ потенциал таъсиrlар, ўтказилган дастлабки тадқиқотлар, электр энергиясини тақсимлаш, Лойиҳа жадвали ва ишга олинадиган техник ходимлар учун ўтказиладиган имкониятларни ривожлантириш тадбирлари билан боғлиқ бўлди. Барча саволларга "УзАсӣ" томонидан батафсил жавоб берилди.

## 5.3 Манфаатдор томонларни жалб қилиш режаси

АМИТБ ҳисоботи ижтимоий сайтларни ўрганиш асосида тайёрланган мустақил МТЖРни ўз ичига олади. МТЖР (манфаатдор томонларни жалб қилиш режаси) лойиҳа ва маҳаллий ҳамжамиятлар, бошқа манфаатдор томонлар ва манфаатдор гуруҳлар ўртасида конструктив мулоқотни ўрнатиш ва қўллаб-қувватлашга қаратилган.

Лойиҳа компанияси лойиҳанинг бутун қурилиш босқичида МТЖРни амалга ошириш учун ЕРС пудратчисига ёрдам беради ва у билан ҳамкорлик қиласди. Лойиҳани ишга туширилишидаги барча босқичида МТЖРни амалга ошириш Лойиҳа компанияси масъулияти остида бўлади.

Лойиҳага бевосита ва/ёки билвосита таъсир кўрсатадиган ёки Лойиҳада бевосита ёки билвосита иштирок этувчи барча манфаатдор томонлар (жисмоний шахслар, гуруҳлар ёки ташкилотлар) МТЖРда кўрсатиб ўтилади. Бундан ташқари, МТЖРда жамоатчилик билан маслаҳатлашиш ва ахборотни ошкор қилиш орқали конструктив муносабатларни ўрнатиш ва қўллаб-қувватлаш учун тегишли механизм ва воситалар белгилаб берилган. Бундан ташқари, МТЖР қабул қилинган шикоятлар ва фикр-мулоҳазаларни бошқариш бўйича ҳаракатларнинг ўз вақтида ва тўғри бажарилишини таъминлайдиган ташқи ва ички механизmlарни белгилайди.

## 5.4 Шикоятларни кўриб чиқиши механизми

Шикоятларни кўриб чиқиши механизми (ШКМ) манфаатдор томонларга лойиҳа бўйича шикоятларни бериш ва манфаатдор томонлар лойиҳа фаолиятидан келиб чиқадиган салбий таъсирини сезганда, уларни тузатишга ёрдам бериш учун ишлаб чиқилади. Механизм зарар кўрган шахслар ва жамоалар учун шикоят ва фикр-мулоҳазаларни



юбориш ва бир вақтнинг ўзида Лойиҳа учун олинган сўровлар, фикр-мулоҳазалар ва шикоятларга жавоб бериш учун аниқ тизимли мурожаат этиш механизмини белгилаб беради. Механизм, айниқса, зарар кўрган манфаатдор томонлар ва жамоатчиликнинг ҳар қандай ташвиш ва шикоятларига жавоб беришини кафолатлаш учун қўлланилади.

ШКМ қурилиш ва ишга тушириш ходимлари, ишчилар, лойиҳа ходимлари ва лойиҳа фаолияти таъсир кўрсатадиган ҳудудларда яшовчи ёки ишлайдиган одамлар учун мавжуд бўлади. Лойиҳа фаолиятидан таъсирланган ёки манфаатдор шахс ёки одамлар гурухи ШКМда иштирок этиши ва ундан фойдаланишга ундаш ҳуқуқига эга. Бундан ташқари, ишлаб чиқилган ШКМ Ўзбекистон ҳуқуқ тизимидағи шикоятлар бериш ва низоларни ҳал этишнинг давлат механизмларини ўрнини боса олмайди, аксинча, ундан фойдаланишни имкон қадар камайтиришга интилади.

## 5.5 Манфаатдор томонлар учун алоқа маълумотлари

Алока	
<b>Номи</b>	Stone City Energy ЁАЖ
<b>Манзил</b>	Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Сағбон 30 берк кўча, 7
<b>E-mail</b>	<a href="mailto:contact@stonecityenergy.com">contact@stonecityenergy.com</a>
<b>Телефон рақами</b>	+ 998 90 370 53 59
<b>Веб-сайт</b>	<a href="http://www.stonecityenergy.com">www.stonecityenergy.com</a>